

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Норимова Гулжахон Абдуганиевна

**СТРИМИНГ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НИМА?**

Ўқув-методик қўлланма

**Тошкент
“MUMTOZ SO‘Z”
2021**

УЎК: 74.202

КБК 378.4

Мазкур ўқув-методик қўлланма олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 1-босқич талабалари учун инглиз тилини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, унда стриминг технологиялари асосида тил ўрганиш аспектилари хусусида фикр баён этилган.

Мазкур қўлланмадан талабалар, магистрантлар, инглиз тили ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

378.4

A 15

Абдуганиевна Гулжахон, Норимова.

Стриминг технологиялари нима? (1-босқич талабалари учун) ўқув-методик қўлланма / Норимова Гулжахон Абдуганиевна. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2021. – 100 б.

*Гулистон давлат университети Илмий Кенгашида муҳокамадан ўтган ва нашр этиш учун тавсия этилган
(11-сонли баённома. 2021 йил, 9 июн)*

ISBN 978-9943-6085-2-8

© Норимова Гулжахон Абдуганиевна, 2021

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2021

КИРИШ

Интернет, шахсий рақамли қурилмалар ва тезкор маълумотларни узатиш технологияларининг жадал ривожланиши дунё таълим соҳасида кескин ўзгаришларга олиб келди. Жаҳон таълим тизимида рақамли технологияларнинг кенг қўлланилиши таҳсил олувчиларнинг креатив фикрлашини ривожлантиришга, касбий компетенцияларини шакллантиришга қаратилмоқда. Ушбу IT таълим технологиялари асосида таълимни ташкил қилиш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиб, илмий изланишлар замирида турли ахборот-коммуникацион таълим технологиялари асосида таълимни самарали ташкил қилиш масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Стрим технологиялари асосида инглиз тилини ўрганаётган ёшларни келгусида эгалланадиган касбини чуқур билиш, мантиқий ва изчилликда мушоҳада юритиш, ижодий ва диввергент тафаккурини ўстириш, тилларни ўзлаштиришни жадаллаштириш бозор иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий талаблар негизида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё таълим ҳамжамияти ва республикамизнинг бошқа мамлакатлар билан маданий, таълимий ва иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг кескин ўсиб бораётганлиги шароитида педагогик таълим тизимига инновацион ва ахборот-коммуникацион моделларни жорий этиш, восита

ва шаклларидан унумли фойдаланишга бўлган қизиқиш илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтирмоқда. БМТ Бош Ассамблеясининг 70 йиллик юбилей сессиясида қабул қилинган «Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDGs)» ҳамда «Европа олий таълим макони» (EHEA) концепциялари мазмунида «кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишда компетенцияларга асосланган таълим (competence-based learning) моделини жорий этиш, таълимни инсонпарварлаштириш асосида касбий малакаларни узлуксиз ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш» стратегик йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Бу эса талабаларнинг келгусида эгаллайдиган касбий компетенцияларини стрим технологиялари асосида ривожлантиришнинг хорижий илғор тизимларини бошқарув ва таълим жараёнига интеграциялашувини таъминлайди. Олий таълим муассасаларида тил ўрганиш жараёнида стриминг технологиялари Интернетдаги замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда масофадан ўқитиш пайтида аудиовизуал маълумотларни шахсий рақамли қурилма ва веб-камеранинг экранидан тайёрлаш, трансляция қилиш ва сақлашга кенг имконият яратади.

Мамлакатимиз олий таълим тизимидаги туб ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири чет тилларини ўқи-

тиш, мазкур жараёнга инновацион шакл, восита ва усулларни жорий этишдан иборатдир.

Мазкур ўқув методик қўлланмада стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари ёритилган ҳамда олий таълимда машғулотларни стрим технологиялари асосида ташкил қилиш мазмуни, шакл, восита ва методлари баён этилган.

Ўқув методик қўлланмада талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришда стрим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ҳамда уларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари, натижалари, самарадорлиги ўз ифодасини топган.

Ўқув методик қўлланмадан олий таълим профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилар, магистрантлар фойдаланишлари мумкин.

Ҳозирги пайтда замонавий таълимга тааллуқли нисбатан оз миқдордаги тадқиқотлар ушбу мавзуга бағишланган. Жумладан, Б.Г.Ангелопулос, М.Н.Ишемгулов, Т.Кюнкел, О.Г.Шарабайко изланишларида таълим жараёнига стрим технологияларини жорий этиш масалаларига эътибор беришган. Масалан, Б.Е.Стариченко, С.С.Арбузовлар томонидан информатика соҳасида стрим технологияларидан фойдаланиш масалалари ўрганилган.

Таълим соҳасига келсак, кўриб чиқиладиган технология бу ерда ҳам самарадорлигини кўрсатмоқда.

С.С.Арбузов ўқув жараёнидаги стрим технологиясини "Интернетдаги замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш пайтида аудиовизуал маълумотларни шахсий рақамли қурилма ва веб-камеранинг экранидан тайёрлаш, трансляция қилиш ва сақлаш усуллари тўплами", деб таърифлайди.

Мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун бугунги кунда ҳар соҳада бўлгани каби таълим тизимида, шу жумладан олий таълимдаги инглиз тили машғулотларида ахборот-коммуникация ва технологик инновациялар ривожига стриминг технологияларини кенг жорий этиш зарур талабга айланмоқда.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш кўп жиҳатдан бўлажак кадрларнинг келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлик даражаси, уларнинг инглиз тилидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаганлиги, кундалик таълим тизимида яратувчилик хусусиятлари билан, таълимдаги сифат ва самарадорлик билан белгиланади. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши онлайн таълим курсларини, бакалавриат дастурлари учун ўқув модулларини ўқитишнинг янги услублари, шакллари ва технологияларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ АНИҚЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МЕЗОНЛАР

Стрим (инглизчада: “stream” – “оқим”) – фойдаланувчи томонидан маълумотларни узатиш орқали олинган видео ёки аудио кетма-кетлигида қабул қилинган маълумот, ахборотдир. Шунингдек, ушбу атама Интернет фойдаланувчилари томонидан видеохостингда жонли эфир учун тушунча сифатида ишлатилади. Стриминг (stream) – масофавий ўқитиш пайтида Интернетдаги замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда аудио рақамли маълумотни шахсий рақамли қурилма ва веб-камеранинг экранидан тайёрлаш, трансляция қилиш ва сақлаш усуллари мажмуи тушунилади (1-расм).



1-расм. Масофавий таълимда стриминг технологияларидан фойдаланиш

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолияти инглиз тилидан билим, малака, кўникма, компетенцияларни эгаллаш жараёни бўлиб, янги кадрларни етиштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий тадбирлар йиғиндиси (2-расм). Шунга кўра, ўқитувчи таълим жараёнига белгиланган инновацион стриминг ғояларини мақсадли кириб боришини таъминлаши керак.



2-расм. Стриминг технологияларидан фойдаланиш компонентлари

Расмда ифодаланганидек, рақамли технологияларнинг ривожига замирида стриминг технологиялари интернетдан

олинган маълумотни ёзиб олиш, сақлаш, уларни таҳрирлаш, яна қайтариб трансляция қилиш имконини беради. Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш долзарб масалалар сирасига киради ва у қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

Ўқитиш технологияларни қўллаш ва улар асосида янги мазмундаги турли ахборот-коммуникацияларига асосланган методик қўлланмалар, дарсликлар, ишланмаларни, чет тиллар бўйича инновацион педагогик технологияларни ёзиб олиш, таҳлил қилиш, зарур ҳолатда яратиш;

жаҳон миқёсида инновацион педагогика ва янги мазмундаги ахборот-коммуникацион технологияларнинг кенг ривожланиб бораётганлиги, уларни педагогик амалиётга қўллашга нисбатан эътиборнинг кучайиши, инновацион педагогик тамойиллар замонавий педагогик илм тараққийтининг бош омилларидан бири бўлиб, кенг тарқалаётганлиги, бироқ миллий педагогик жараёнда масофавий таълим мазмуни, қўлланилиш методлари ва усуллари ҳар бир предмет ва уни ўқитиш хусусиятлари, шарт-шароитлари, муҳити ва мақсадлари нуқтаи назаридан педагогик мазмуни тўла акс этмаганлиги, миллий педагогикада инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш жараёнининг оқсаётганлиги, илғор педагогик технологияларни таклиф этиш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш зарурлиги, мавзунинг назарий ва амалий

жиҳатлари, шу жумладан олий таълим тизимида чет тилларни ўқитишнинг бугунги замонга мос педагогик андозаси, методологияси ва технологиясини ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлиги;

ўқитувчи фаолиятига нисбатан замонавий жамиятлар учун зарур энг ноёб бўлган захира бойлик, яъни “инсон капиталини” бунёд қилувчи асос сифатида қаралаётганлиги, бироқ айрим олий таълим муассасаларида ўқитувчининг масофавий олиб бораётган фаолиятини янги мазмунда ташкил қилишга етарлича эътибор берилмаётганлиги;

таълим жараёнида педагогик самарадорликни таъминлашнинг муҳим жабҳаларидан бири – фойдаланувчи томонидан маълумотларни узатиш орқали олинган видео ёки аудио кетма-кетлигида қабул қилинган маълумот, ахборотлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг ошиши. Мазкур вазифани амалга ошириш учун стриминг технологиялари таълим жараёни сифати, унинг замонавий билимлар ва инновацион шакл ҳамда мазмун билан таъминланганлиги, унинг моҳиятини мунтазам тарзда такомиллаштиришни тақозо этади (3-расм).



Стрим технологиялари вазифалари

- Стрим технологиялари асосида таҳсил олаётган ёшларни келгусида эгалланадиган касбини чуқур билиш, мантиқий ва изчиликда мушоҳада юритиш, ижодий ва дивергент тафаккурини ўстириш, тилларни ўзлаштиришни жадаллаштириш бозор иқтисодиёти ва ижтимоий-сиёсий талаблар негизида муҳим аҳамият касб этмоқда.

3-расм. Стриминг технологиялари вазифалари

Таълим фаолиятида стрим технологияларидан фойдаланишнинг асосий ғояси қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини бажаришдир.

1. Онлайн ўқув курсининг янгиликлар лентасида жонли эфирнинг тахминий санаси ва вақти тасвирланган келгуси трансляция учун мавзулар рўйхатини нашр этиш, шунингдек, келгуси учрашувлар олдидан танишиш учун керакли ҳужжатларни илова қилиш мумкин. Шунини таъкидлаш кераки, агар биз келажакда ИП ва технологиялар соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, у нафақат ўқитувчидан, балки талабаларнинг ўзларидан ҳам трансляция қилиниши мумкин.

2. Материалларни тайёрлаш, трансляция учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, дастурлар ва хизматларни соzлаш, янгиликлар дисплейига ҳавола қўшиб, янгиликлар лентасида келгуси трансляция тўғрисида аниқроқ маълумотларни нашр этиш.

3. Стреаминг трансляциясини реал вақт режимида ўтказиш, иштирокчилар орасида гуруҳ суҳбати режимида мулоқот қилиш мумкин.

4. Стреаминг трансляцияси тугаши билан автоматик равишда тайёр скриншот яратилади, уни таҳрирлаш мумкин (шарҳлар қўшиш, кераксиз лаҳзаларни олиб ташлаш ва ҳқ) ва уни онлайн ўқув курси материалларига қайта юклаш мумкин.

Педагогика, психология, инглиз тилини ўқитиш методикасига доир адабиётлар, илмий тадқиқот ишларининг таҳлили олий таълимда таҳсил олаётган талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш заруратини кўрсатди.

Стрим технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш Давлат таълим стандартида кўрсатилган талабларни амалга оширишни назарда тутади.

Талабаларда чет тилларини ўзлаштиришда ривожлантириладиган компетенция кўринишлари

Талабаларда ривожлантирилиши лозим бўлган компетенция кўринишлари	Талабаларда ривожлантирилиши лозим бўлган компетенциялар таърифи
Грамматик компетенция	Грамматик компетенция грамматик қонун қоидаларни ёдлаш, уларни англ-

	лаш ва уларнинг тил амалиётида адекват ва тўғри қўллай олиш; тил моҳиятини чуқур англаш ва қабул қилиш, тил моҳиятини «ўзиники» қилиб олиш
Коммуникатив компетенция	Ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилияти
Лингвистик компетенция	Тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллаш
Прагматик компетенция	Оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутади. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмалари (УмумЕвропа компетенциялари (2003 й))
Нутқий компетенция	Чет тилини билганлик, уни англаганлик, уни ўзлаштирилганлигининг бош меъёри
Лексик компетенция	Чет тилидаги илмий, оммабоп, бадий, мутахассисликка оид тил матераилларини ўқиш ва ўзлаштириш қобилияти
Логистик компетенция	Турли хил тоифадаги логистика хизматлари истеъмолчилари учун тил ўз-

	лаштириш бўйича бизнес моделларини лойиҳалаштириш, шунингдек, муҳандислик воситалари ёрдамида ўзга тилларни ўзлаштириш динамик жараёнларини бошқариш қобилияти
Стриминг технологиялари билан ишлаш	Интернетдан олинган маълумотни ёзиб олиш, сақлаш, уларни таҳрирлаш, яна қайтариб трансляция қилиш қобилияти

Жадвалда ифодаланганидек, грамматик компетенция ҳар қандай тил қурилишида асосий роль ўйнайдиган асос саналади. Грамматик компетенция тил ўрганилиши бошланиши биланок ўрганила бошланади. Бинобарин, грамматик компетенция билан тил ўрганаётган инсон жаъми 18 йил шуғулланади. Грамматик компетенция бир томондан гарамматик қонун қоидаларни ёдлаш, уларни англаш ва уларнинг тил амалиётида адекват ва тўғри қўллай олишда зарур бўлса, иккинчи тарафдан грамматик компетенция тил моҳиятини чуқур англаш ва қабул қилиш, тил моҳиятини «ўзиники» қилиб олишда ўзини ёрқин намоён қилади. Грамматик компетенциянинг оддий қоидалари мактаб таълими даврида эгалланган бўлишига қарамай, айнан ОТМ даврида улар ўзини эркин, анланган ва чет тили малакаларини амалиётга фаол қўлланган тарзда намоён қила бошлайди. Жадвалда ифодаланган коммуникатив компетенция – ўрганилаётган чет тили бўйича эгал-

лаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборатдир. ДТС да ОТМ талабаларининг чет тиллари бўйича билим, малака ва кўникмалар нуқтаи назаридан ҳар қандай мавзунини тинглаб тушуниши, мана шу мавзунини бўйича гапира олиши, талабада чет тиллари бўйича ўқиш, ёзиш, фикр қила олиш, ўз фикр, ғояларини тушунтира ва ўткази олиш лаёқатлари тақозо этилмоқда.

Жадвалда ифода этилган лингвистик компетенциянинг материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутди.

Жадвалда ифода этилган прагматик компетенция ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутди. Мазкур стандартда дискурс компетенцияси прагматик компетенция таркибига киритилди. Мазкур компетенция оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назар-

да тутади. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутади.

Жадвалда ифода этилган нутқий компетенциячет тилини билиш даражасида унинг оғзаки нутқ малака ва кўникмаларининг тўла шаклланган бўлишини англатади. Нутқий компетенция коммуникатив компетенциянинг амалий натижаси, унинг амалий ва ижодий намоён бўлиши ҳолати саналади. Нутқий компетенцияни ривожлантирмай туриб тўла ҳолда чет тилини биламан деб бўлмайди. Нутқий компетенция аслида чет тилини билганлик, уни англаганлик, уни ўзлаштирилганлигининг бош меъёри саналади. Нутқ бўлмас экан, демак тил ҳам йўқ саналади. Бинобарин, таълим бериш жараёнида нутқий компетенцияни шакллантириш тил ўқитишдаги бош талаблардан бирига тенг келади.

Жадвалда ифода этилган лексик компетенция ҳар қандай тил, шу жумладан она тили ва хорижий тилнинг маълум бир оғзаки нутқ, бадий тил ва кундалик тил лексик қатлами борлигини кўрсатиб берувчи омилдир. Лексик компетенция хорижий тилни билиш меъёрларидан бири бўлиб, у мазкур тил қатламидаги маълум бир birlikлар ўзлаштирилганлигини кўрсатади. Агар оддий мулоқот учун чет тили доирасида 500 дан ортиқ лексик

бирлик фаол ўзлаштирилиши етарли бўлса, унинг ундан юқори даражада, яъни илмий, бадий, интеллектуал, тарихий даражада ўзлаштирилиши учун 5000 лексик бирлик ҳам етарли бўлмаслиги мумкин. Шу боис, ОТМ даражасига етиб келган талаба аслида зарур бўлган бирламчи лексик даража, яъни 500 лексик бирликни қатъий ва аъло даражада ўзлаштирган бўлиши лозим. Айнан ОТМ таркибида талабала рундан юқори лексик қатлам, яъни интеллектуал, тарихий, илмий, бадий тил лексик қатламлари ўзлаштириш йўлидан бориши тақозо этилади. ОТМ сидаги чет тили бўйича лексик қатлам талабанинг мутахассислик доирасидаги лексик қатламнинг фаол ўзлаштирилишини талаб этади. Лексик қатламни ривожлантиришнинг бош усули чет тилидаги илмий, оммабоп, бадий, мутахассисликка оид тил матераилларини ўқиш ва ўзлаштиришда намоён бўлади.

Стрим (инглизчада: “stream”- “оқим”)-фойдаланувчи томонидан маълумотларни узатиш орқали олинган видео ёки аудио кетма-кетлигида қабул қилинган маълумот, ахборотдир. Шунингдек, ушбу атама интернет фойдаланувчилари томонидан видеохостингда жонли эфир учун тунча сифатида ишлатилади. Стриминг (stream) – масофавий ўқитиш пайтида Интернетдаги замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда аудио рақамли маълумотни шахсий рақамли қурилма ва веб-

камеранинг экранидан тайёрлаш, трансляция қилиш ва сақлаш усуллари мажмуи тушунилади.

Рақамли таълим муҳити ресурсларидан фойдаланган ҳолда замонавий мобил қурилмалар, гаджетлар, интерактив ускуналардан фойдаланиш, подкастинг, скринкастинг, стрим ва кенгайтирилган реал технологияларидан, шунингдек веб-хизматлардан, мобил иловалардан ва альтернативадан фойдаланган ҳолда универсал муаллифлик ўқитиш усуллари бўйича дастурий таъминотнинг етишмаслиги олий таълимдаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЎҚУВ-БИЛУВ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ ЎРГАНИШ

Илмий изланишларда таҳсил олувчиларнинг билимларни (чет тилини ўрганиш мисолида) ўзлаштиришининг улардаги етакчи ярим шарлар функцияси билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаган.

Қуйида биз, изланиш натижаларимизга асосланиб, талабаларнинг инглиз тили машғулотларида ўқув-билув фаоллигини ривожланганлик даражасини ўрганиш бўйича ишлаб чиққан сўровномани ҳавола қиламиз.

Саволлар

1. Янги материалларни аниқ амалий мақсадларни кўзламасдан, аниқ мотивациясиз ўрганиш мумкинми?

2. Мустақил равишда нисбатан самарали ишлайдими?

3. Бериладиган материал аниқ таркибга эга бўлиши, мантиқ асосида таркибий қисмларга бўлиниб кетма-кет ва босқичма-босқич баён қилиниши муҳим бўлиб, акс ҳолда маълумотларни қабул қилишга қийинласизми?

4. Материалларни кўр-кўрона ўрганишга қийналиб, уни аввал қисмларга бўлиб ўрганиш ва шундан сўнг уларни умумлаштиришни афзал кўрасизми?

5. Сўзларни рўйхат қилиб ёдлаш жуда енгил кечадими?
6. Ўзлаштирилган билимларни амалиётда (хақиқий ҳаётий вазиятларда) қўллашга қийналасизми?
7. Нутқингиз мантиқий бўлиб, ўз фикрларингизни ифодалашда сўзларни тўғри танлайсизми?
8. Билимни баҳолашнинг “дидактик тест” каби объектив шаклларини афзал кўрасизми?
9. Қарор қабул қилишда асосан мантиққа таянасизми?
10. Бирор иш бажараётганингизда вазият тинч ва ошайишта бўлиши керакми?
11. Бажариладиган ишларнинг барча бандларини аниқ режалаштиришни, бажарилган бандларни эса ўчириб ёки белги қўйишни маъқул кўрадими?
12. Иштиёқ билан гапирасизми?
13. Талабаларнинг нутқи тўғри бўлиши учун гап тузиш қоидаларидан осонлик билан фойдаланасизми?
14. Мулоқот вақтида гапни тинглаб, унга аниқ жавоб бера оласизми?
15. Қачон ва қаерда амалий қўлланилиши тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлмасангиз материални ўзлаштиришга фаол ёндаша олмайсизми?
16. Гуруҳга нисбатан самарали ишлайсизми?
17. Инглиз тилида такрорлаш орқали материални ўзлаштириш энг самарали усул, деб ҳисоблайсизми?
18. Сўзларни контекстда эслаб қолиши осон кечадими?

19. Мавжуд билимлари хатто кам бўлса ҳам, уларни амалиётда қўллашда қийналмайсизми?

20. Кўпинча сўзлардан тўғри фойдаланишда қийналиб, хиссиётларга хаддан зиёд берилиши оқибатида грамматик хатоларга йўл қўясизми?

Талабаларнинг инглиз тили машғулотларида ўқув- билув фаоллигини ривожланганлик даражасини

ўрганиш бўйича

Тест

(ўқитувчилар учун)

1. Талабангиз билимини баҳолашнинг “шахсий фикр-ни муҳокама қилиш” каби субъектив шакллари афзал кўрадими?

2. Қарор қабул қилишда асосан интуицияга таянадими?

3. Ташқи таъсирлар остида ҳам хотиржам ишлашга қодирми?

4. Бажарадиган ишлари тўғрисида яхлит тасаввурга эга бўлгани учун ҳеч қачон ёки камдан кам ҳолларда яхлит фаолият жараёнини алоҳида бандларга бўлиб режалаштирадими?

5. Ҳар бир сўзни ўйлаб, мулоҳаза қилиб сўнг гапирадими?

6. Қоидалардан ўз хохиши билан фойдаланмасдан, агар бунга зарурат туғилса, у ҳолда оғзаки маълумотни яхлит тасаввур қилишга қийналганлиги сабабли йўл қўядиган хатоликлари сони кўпаядими?

7. Мулоқот вақтида суҳбатдош қандай гапираётганига эътибор бериб, эмоция ва кайфиятига қараб жавоб қайтарадими?

Жавоб (ха/йўқ). Педагог ўқув гуруҳидаги барча болаларга нисбатан сўровнома асосида баҳо бериб, олинган натижаларни таҳлил қилиши керак бўлади. Бунда, олинган натижалар объективлигини янада ошириш мақсадида, болага оид маълумотларни тўплашда яқин ижтимоий муҳит фикридан ҳам фойдаланиш мумкин.

Сўровномадаги 1-14 саволларга “ха”, 15-28-саволларга эса “йўқ” жавобларини берилиши чап ярим шари етакчи бўлганларга, шунинг тескараси – 1-14 саволларга “йўқ”, 15-28-саволларга “ха” жавобларини берилиши эса ўнг ярим шари етакчи бўлганларга ҳосдир. Саволномадан фойдаланишда олинган жавоблар таҳлил қилиниб, етакчи ярим шарларга оид бўлган жавоблар нисбати эътиборга олинishi керак бўлади. Мазкур сўровнома бошқа методикалар билан бирга қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**ЧЕТ ТИЛЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ, ХУСУСАН
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН
ПЕДАГОГИК ОМИЛНИ ҚЎЛЛАШНИ
ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
БИЛИМ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ
АНКЕТАЛАР**

“Биология”, “Кимё” ва “Экология” таълим йўналиши 3 – босқич талабалари учун “Инглиз тили” модулига жами – 116 умумий ўқув соати ажратилган. Ушбу модулда тавсия этилаётган технология асосида:

**Чет тили ўқитувчиларининг инновацион педагогик
фаолиятга тайёрлигини белгилаш бўйича
АНКЕТА -СЎРОВНОМА**

1. Қандай қилиб инновацион педагогика сизнинг касбий маҳоратингизни оширишга ва яхшилашга хизмат қилади?
2. Инновацион педагогик фаолиятнинг мақсади нималардан иборат?
3. Инновацион педагогиканинг мазмуни нималардан иборат?
4. Инновацион педагогиканинг таркибий қисмлари нималардан иборат?

5. Инновацион педагогиканинг йўналишлари нималардан иборат?

6. Инновацион педагогика бўйича касбий талабларга нималар киради?

7. Инновацион педагогика бўйича бўйича ўқув ва тарғибот-ташвиқот фаолиятининг шакл ва услублари қандай?

8. Қандай қилиб ОТМ инновацион педагогик йўналишларнинг кенг қўлланилишини таъминлаш мумкин?

9. Сиз ўз фаолиятингиз давомида инновацион педагогика тарғиботи учун нималарни амалга оширишингиз мумкин?

10. Ёшларда чет тилларни ўрганиш бўйича фаолликни қандай такомиллаштириш мумкин?

11. Чет тилларини ўрганишга ҳалақит берувчи миллий ментал омилларни биласизми? Улар нималардан иборат, санаб беринг?

12. Ўқувчининг чет тилларни ўрганишга бўлган лаёқатини қандай аниқлаш мумкин?

13. ОТМ да чет тилларни ўргатиш бўйича педагогик жараённи қандай ташқил қилиш зарур? У нима талабларга жавоб бериши лозим?

14. Чет тилларни ўзлаштиришнинг эволюцион босқичлари нималардан иборат?

15. Чет тили малакаларини шакллантиришда ўқувчини ўқиш ва таржима қилишга ўргатиш муҳимроқми, ёки уни сўзлашиш ва фикр алмашишига ўргатиш муҳимроқми?

16. Сиз ўз инновацион педагогик фаолиятингизни ташкил қилишда ўқувчиларнинг қизиқишларини инобатга оласизми?

17. Сиз шахсан ўз касбингизни танлаш бўйича нима амалларни қилгансиз?

18. Сиз ўзингизнинг касбингизни танлаганда касбингизга қаршиликлар бўлганми?

19. Агар сизнинг фарзандингиз сизнинг касбингизни танласа, қаршилик кўрсатмайсизми?



Ўқитувчиларнинг чет тиллари, хусусан инглиз тилини ўқитишда инновацион педагогик омилни қўллашнинг таъминлаш бўйича назарий ва амалий билим даражаларини белгиловчи

АНКЕТА-СЎРОВНОМА

1. Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолиятини ташкил қилиш қандай назарий ва амалий билимларни жамлайди?

2. Қадимий ва ўрта асрлар мутафаккирлари, халқ педагогикасида ўқитувчининг ижодий педагогик фаолиятини ташкил этиш бўйича қандай ақидалар ва қарашлар мавжуд бўлган?

3. Қуръон ва Ҳадис илмида устоз ва ўқитувчи фаолияти тамойиллари нималардан иборат?

4. Чет тили ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолиятини ташкил қилиш талаблари ва шарт-шароитлари нималардан иборат?

5. Инновацион педагогик фаолиятни ташкил қилиш ўқитувчи маданияти ва ўқитувчи маҳорати тамойиллари нималардан иборат?

6. Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти нималар орқали намоён бўлади ва кўринади?

7. Қайси сифатлар ва хусусиятлар асосида сиз ўзингизни инновацион педагогик фаолиятни ташкил қила олган ўқитувчи сифатида баҳолайсиз?

8. Таълим жараёнида инновацион педагогик фаолият талабларига риоя этиш нималарни назарда тутади?

9. Инновацион педагогик фаолиятни ташкил қилиш учун ўқитувчи нималарга ўз эътиборини қаратиши даркор?

10. Инновацион методика ва технологиялар тушунчасининг мазмуни нимадан иборат?

11. Сиз чет тили ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолиятига қандай таъриф берган бўлардингиз?

12. Сиз чет тили ўқитувчисининг педагогик технологияларни қўллаш тизимига қандай таъриф берган бўлардингиз?

13. Сиз таълим жараёнида, хусусан чет тилларни ўқитиш жараёнидаги интерфаол усулларга қандай таъриф берган бўлардингиз?



МЕТОДЛАР

“SWOT – таҳлил” методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратди. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength) - кучли томонлари

W – (weakness) - заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity) - имкониятлари

T – (threat) - тўсиқлар

Талабаларга тақдим қилинган матн:

“WHO IS THE QUEEN OF GREAT BRITAIN”

“Инглиз қироличаси ким?”

S – (strength) - кучли томонлари: The personal life of Elizabeth II is hidden behind a veil of secrecy, although she is a public person. Most of us have little idea of how the queen lives. And this despite the fact that in 2015 she became the longest-lasting monarch in the history of Britain. When Queen Elizabeth II celebrated her 90th birthday, she became not only the oldest monarch in the world, but also the longest reigning head of state in the history of Great Britain.

W – (weakness) кучсиз томонлари:

She was born April 21, 1926 in the family of Prince Albert, the future King George VI, and Elizabeth Bowes-Lyon. The girl received the name in honor of her mother, but the full name of the princess is additionally formed from the names of grandmother and great-grandmother. According to the zodiac sign Queen Taurus. Elizabeth II had a sister, Princess Margaret, who was born four years after her, but died in her 72nd year.

Elizabeth wears clothes of only bright colors, to be visible in the crowd, and only made in Britain. According to etiquette, the queen can appear in black only during mourning. Since 1992, Elizabeth voluntarily agreed to pay income tax and income tax.

O – (opportunity) – имкониётлари:

She comes from the Windsor Dynasty and, in addition to her native island, is recognized as the Queen in Australia, New Zealand, Canada, Papua New Guinea, Jamaica, Barbados, the Bahamas and eight other small countries. During the reign of Elizabeth Alexandra Maria came the final collapse of the British Empire and the withdrawal of the colonies from the British government. Despite the rather impressive criticism, Elizabeth II is quite popular in her native country.

Elizabeth in 1945 joined the women's self-defense units. She never took part in hostilities, but she received a specialty in mechanics and many more useful skills. The Queen starred in a short film with James Bond (Daniel Craig). And she was even recognized as the best «Bond girl». She has 2 birthdays. The Queen celebrates her birthday 2 times: April 21 (with her family) and officially at the beginning of summer.

T – (threat) – тўсиқлар:

This tradition was introduced by Edward VII, who liked to officially celebrate his birthday in the warm season, although he was born in November. After birth, Elizabeth was only the

third contender for the throne, and no one expected that she would ever become the queen. But Uncle Elizabeth abdicated, and crowned her father, George VI. Thus, she became the direct heiress.

In 1940, at the age of 14, Elizabeth officially appeared (though on the radio) to support the children of the kingdom in a difficult time for everyone.

Кўриб турганимиздек, ушбу метод ёрдамида тажриба гуруҳи талабаларида **“Who is the Queen of Great Britain”** матни бўйича мавжуд назарий билимларни ва амалий эшитган, ўқиганларини таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга эришилди. Тажриба тадқиқот доирасида худди яна шундай методлардан бири – “хулосалаш” методидан фойдаланилди. Қуйида методнинг қисқача таърифни келтириб ўтамиз:

“Хулосалаш” (Rezume, Veer) методи

Намуна: “Samarkand - Crossroads of Cultures” мавзуси талабаларга тақдим этилди ва “хулосалаш” методи асосида уларда ўқув-билув фаолликлари ривожлантирилди.

Талабаларга тақдим қилинган матн: The total area of the city is 120 km². The population as of January 1, 2018 was

529,900 residents. The city is located at an altitude of about 720 meters above sea level. The historical center of the city is the Registan Square and ensemble. In 2001, the city and its historical architectural and archaeological monuments were inscribed on the UNESCO World Heritage List under the name “Samarkand - Crossroads of Cultures”.

In 1925-1930, Samarkand was the capital of the Uzbek SSR.

Талабалартомониданқилинганхулоса: Samarkand is one of the oldest cities in the world, founded, according to archaeological data, in the VIII century BC. e.; center of the historical region and state of Sogdiana. In the XIV century it was the capital of the Tamerlane empire and the Timurid dynasty. The vast majority of the city’s architectural masterpieces were built during this era. This was the period of the highest development of Samarkand.

Юқориданомикелтирилганметодасосидаталабалармав жуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилишди. Айниқса, тажриба гуруҳида қатнашган 358 нафар талабаларда:

Талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини оширишда тинглаб тушуниш:

- маъруза тақдимот ва мунозаралар, радио ва телевидение эшиттиришлари, янгиликлар, интервьюлар. Хуж-

жатли фильм ва шу каби оғзаки матнлар бўйича тинглаб-тушуниш даражаси тажриба гуруҳи талабаларида 78% кўрсаткични ташкил қилди;

- реклама ва эълонлардаги ёзувларни тинглаб-тушуниш – 88 % кўрсаткични ташкил қилди:

- тил соҳиблари нутқ ёзувлари (бадий хужжатли фильмлар, оммавий чиқиш ва ҳоказо) – 76%ни ташкил қилди:

- тил соҳибларининг ижтимоий мавзулардаги ўзаро суҳбати – 91 %ни ташкил қилди:

- тингланган ахборотнинг асосий мақсади, тўлиқ мазмунини тинглаб тушуниш – 91% талабаларда малака ва кўникмаларни ривожлантиришга муваффақ бўлинди.

Талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини оширишда гапириш:

Диалог нутқ

- ижтимоий мавзуларда суҳбат ва норасмий диалог:
- касбий ёки бошқа мавзуларда расмий ва норасмий мунозаралар;
- мунозарани бошқариш, интервью, музокаралар ва телефон орқали мулоқот олиб бориш.

Монолог нутқ

- ихтисосликка оид мавзуларда маъруза тайёрлаш ва ўқиш;

- мунозара. далил ва исботларни олға суриш, фикрни асослаб бериш;

- реклама ва махсус мавзуларда тақдимот тайёрлаш ҳамда чиқиш килиш;

- маълумотларни умумлаштириш, мақолалар ёзиш, муҳокама қилишга йўналтирилди.

Талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини оширишда ўқиш:

- танишув ўқиш, кўз югуртириб ўқиш ва синчиклаб ўқиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

- хат-хабар, ёзишмалар ва электрон почтани ўқиш;

- махсус материалларни ўзида акс эттирган аутентик матнларни ўқиш;

- махсус сўз ва терминларга эга матнларни, илмий ва касбга оид адабиётларни, электрон манбалар ва матбуот материалларини ўқишга қаратилди.

Талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини оширишда ёзма нутқ:

- турли ёзишмалар, хат-хабарлар ва махсус докладлар (эслатма CVs ва ҳ.к.) ёзиш;

- эссе, баён, резюме, тадқиқот иши (мақолалар, битирув малакавий ишлар) ёзиш кабилар ривожлантирилди.

Тажрибавий машғулотларда худди шундай **“Keys-stadi”** методидан фойдаланилди.



“Keys-stadi” методи

“Keys-stadi” – инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi”) – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who?), Қачон (When?), Қаерда (Where?), Нима учун (Why?), Қандай/

Қанақа (How?), Нима-натижа (What?) – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

3.1-жадвал.

Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил қилишда “Keys” методини амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Стрим шакли ва мазмуни
1 босқич: Кейс ва унинг ахборот таҳминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2 босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик эрархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3 босқич: Кейсдаги асосий муаммони ечиш орқали ўқув топшириғининг ечимини ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш имкониятлари ва амалда қўллаш
4 босқич: Кейсни	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш;

<p>шакллантириш ечимини асослаш, ва тақдимот</p>	<ul style="list-style-type: none"> ✓ муқобил вариантларни қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёртиши
--	--



Кейс. There is a child who knows the topic very well during the lesson, which is why he started to disturb you and the children during the lesson: he started to distract everyone by adding questions and ideas.

Your action

Stages and tasks:

Identify the main causes of the problem in the case (individually and in small groups).

Таржимаси: Машғулот жараёнида сиз ўтаётган мавзунини жуда яхши биладиган бола бор, шу сабаб, у машғулот давомида Сизга ва болаларга халақит бера бошлади: саволлари, фикрларга қўшилиши билан барчани диққатини бўлиб чалғита бошлади.

Сизнинг ҳаракатингиз....

Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

Талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини оширишда мазкур метод самарали натижа кўрсатди. Тажриба гуруҳи талабалари инглиз тилидаги муаммоли вазиятни кўз югуртириб ўқиш, синчиклаб ўқиш кўникма ва малакаларини намоёниш этдилар. Шунингдек, улар матн юзасидан махсус сўз ва терминларга эга бўлган шахсий нуқтаи назарини ҳимоя қилдилар. Баҳс-мунозара жараёнида талабалар: матнларни, илмий ва касбга оид адабиётларни, электрон манбалар ва матбуот материалларини ўқишга тайёр эканлигини, улар хусусида фикр баён эта олишларини намоён қилдилар (92%).

Тажриба-тадқиқот мобайнида инглиз тили машғулотларида талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини оширишга

мўлжалланган “FSMU” методи қўлланилди. Қуйида шу методнинг қисқача таърифни келтириб ўтамиз.

“FSMU” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Жиҳозлар: машғулот давомида ишлаш учун ватман, фломастер, маркерлар, Электрон доска, “Электрон кўз”.

Методни амалга ошириш тартиби: Тажриба гуруҳи талабаларига «**Cities of Great Britain**» (“Британиядаги энг йирик шаҳарлар”) номли матн тақдим этилди. Шу матндаги ҳар бир рукндаги номланиш бўйича уларнинг мавзуга оид якуний хулоса ёки ғоя таклиф этиш талаб этилди. Ҳар бир иштирокчига ФСМУ методининг босқичларида иштирокчиларнинг муносабатлари ёзилган индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қабул қилинди.

FSMU таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлди.

Талабаларга тақдим қилинган матн:

«Cities of Great Britain»

(Британиядаги энг йирик шаҳарлар)

List of UK cities

1-босқич: London: the capital and largest city of both the United Kingdom as a whole and England in particular. ...

2-босқич: Manchester, Liverpool: one of the largest cities in both the United Kingdom and England. ...

3-босқич: Birmingham, Bristol: one of the most populated British cities.

Шунингдек, тажрибавий машғулотларда Ақлий ҳужум, Кластер, Блиц-сўров, кичик гуруҳларда ишлаш, Инсерт, Презентация каби методларнинг мавзуга мос танланиши ва қўлланилиши дарс самарасини оширишга катта ҳисса қўшади.



“BLITS – ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

Талабаларнинг нутқий компетенцияларини ривожлантириш, оғзаки ва ёзма нутқда соҳавий терминларни самарали қўллаш, кўникмаларини шакллантириш, ихтисосликка оид матн тузиш учун уларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ тарқатилди. Талабалар тарқатма материалларни синчиклаб ўрганиши талаб этилди. Сўнг, талабаларга тўғри жавоблар тарқатмадаги “Якка баҳолаш” устунига белгилаш кераклиги тушунтирилди. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилди.

Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирди ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништиришга ундади. Талабалар баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини айтиш лозимлиги уқтирилди. Ушбу метод асосида талабаларда ўз соҳаси доирасида инглиз тилида фикр ифодамай олиш, илмий

техник адбиётлардан фойлалана олиш кўникмалари ривожлантирилди.

Технологиянинг давоми сифатида талабаларга уйга вазифа сифатида қуйидаги топшириқлар тақдим этилди:

Нутқ мавзулари:

Кундалик мавзу (ўзи хақида, оиласи хақида, иш куни, севган машғулоти, бўш вақтни ўтказиши ва ҳ.к.).

Ижтимоий мавзу (атроф-мухит маиший ва касбий йуналишда ижтимоий муносабат).

Таълим мавзуси (ўқув муассасаси, ўқув қуроллари ва унга муносабат, ихтисослик фанларининг хозирда ўқитилиши ва ҳоказо)

Ижтимоий-маданий (Ўзбекистон Республикаси ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихий, географик, иқлимий, маданий, маиший хусусиятлари).

Касбга йуналтирилган мавзу (ўрганилаётган ихтисослик тарихи, йўналишлари, соҳанинг буюк намоёндалари, долзарб муаммолари, касбий этика ва ҳ.к.).



СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ САРАЛАШ

1 топшириқ. Таниқли ва машҳур ёзувчи ҳақида маълумот тўпланг. Стриминг технологиялари асосида уларни сараланг.

2 топшириқ. Кенг омма орасида у қадар таниқли бўлмаган ёзувчи, расом ҳақида маълумот тўпланг. Стриминг технологиялари асосида уларни сараланг. Гуруҳда аудиториядан ташқари машғулотда ушбу топшириқни муҳокама қилинг.

Изоҳ: Таҷриба-тадқиқот даврида 2019-2020 ўқув йилида 1-босқич талабалари топшириқлар бўйича инглиз ёзувчиси Сомерсет Моэмнинг ҳаёти ва ижоди бўйича Стриминг технологиялари асосида маълумот йиғишди, уни кичик матнларга бўлиб, саралашди ва ҳар бир кичик бўлакланган матнни номлашди. Қуйида талабалар ижодий ишларидан намуналар келтирилади.

Таржимаи ҳол

Сомерсет Моэм – 21 та роман муаллифи, новеллачи. драматург, танқидчи, Лондон, Нью-Йорк ва Париждаги юқори давраларда нуфузи юқори бўлган ёзувчи. У реализм жанрида фаолият олиб бориб, натурализм, модерн ва неоромантизмга садоқатли эди.

Ёшлик даврлари

Уильям Сомерсет Моэм 1874 йилнинг родился 25 январиди туғилди. Париждаги Британия элчихонасида адвокатнинг ўғли, у инглиз тилини билмасдан франтсузча гапирган. Сомерсет оиладаги энг кенжа бола эди. Уч ака-ука анча катта эди ва улар Англияга ўқишга кетишганда, бола ота-онасининг уйида ёлғиз қолди.



Сомерсет Моэм


У онаси билан кўп вақтини ўтказди ва унга боғланди. Бола 8 ёшида онаси сил касаллигидан вафот этди. Бу ёъқотиш Маугхам ҳаётидаги энг катта зарба бўлди. Тажрибалар нутққа тўсқинлик қилди: Сомерсет қоқила бошлади. Бу хусусият у билан умр бўйи сақланиб қолди. Бола 10 ёшида отаси вафот этди. Оила бузилди. Катта ака-

укалар Кембрижда ҳуқуқшунослик бўйича ўқиган ва Сомерсет руҳонийнинг амакиси қарамоғига юборилган, унинг уйида ёшлиги ўтган. Бола ёлғиз ўсди ва ўзини тута бошлади. Англияда ўсган болалар уни қабул қилишмади. Француз тилида сўзлаётган Моэмнинг талаффузи масхара қилинди. Шу асосда ёш бола жуда уятчан бўлиб ўсди.



Сомерсет Моэм. Болалик давридаги расм

Боланинг дўстлари йўқ эди. Китоблар мактаб-интернатда ўқиган бўлажак ёзувчининг ягона дўстларига айланди. 15 ёшида Сомерсет амакисини Германияга немис тилини ўрганишга юборишга кўндирди. Ҳейделберг биринчи марта ўзини эркин ҳис қилган жойга айланди. Йигит фалсафа бўйича маърузаларда қатнашди, драмани ўрганди ва театрга қизиқди. Сомерсетнинг қизиқишлари Ибсен, Шопенгауер, Гёте, Вагнер, Спиноза, Верлен ва Данте ижодига тегишли эди.



Сомерсет Моэм ёшлигида


Моэм 18 ёшида Буюк Британияга қайтди. У келажакдаги касбни танлаш учун этарли маълумотга эга эди. Амакиси уни руҳонийнинг ёблига ёъналтирди, лекин Сомерсет Лондонга боришни танлади, у эрда 1892 йилдан Санкт-Томас касалхонасидаги тиббиёт мактаби талабаси бўлди. Адабиёт, тиббиёт ва тиббиёт амалиётини ўрганиш Сомерсетни нафақат сертификатланган шифокор, балки одамларнинг кўзидан кўрадиган одамга айлантди. Тиббиёт ёзувчининг услубида ўз изини қолдирди. У камдан-кам ҳолларда метафора ва гиперболани ишлатган.

Ёзувчи Сомерсет Моэм

Адабиётдаги биринчи қадамлар кучсиз эди, чунки Моэмнинг танишлари орасида уни тўғри йўлга йўналтирадиган одамлар йўқ эди. У драма яратиш техникасини

Ўрганиш мақсадида Ибсен асарларини таржима қилди, қисқа ҳикоялар ёзди. 1897 йилда «Ламбетлик Лиза» номли биринчи романи нашр этилди.

Моэм одамларни ўрганган, уларнинг тақдири ва характеридан ўз ижодкорлигида фойдаланган. У энг қизиқ нарса кундалик ҳаётда яширинганига ишонди. Буни Эмил Золя ижодининг таъсирини ҳис қилган «Ламбетлик Лиза» романи тасдиқлади.




Ёзувчи томонидан ёзилган «Хоним Креддок» романида Ги де Мопассаннинг насрга бўлган иштиёқини кўриш мумкин. У биринчи марта ҳаёт ва севги ҳақида ёзишга уринди. Моэмнинг пьесалари уни бой одамга айлантирди. 1907 йилда Фредерик хонимнинг премьераси уни драматург сифатида машҳур этди.



Сомерсет Моэм

Фиелдинг, Достоевский, Диккенс, Флобер асарларини таҳлил қилиб, ёзувчи бугунги кунда долзарб бўлган тенденцияларга ҳам эътибор қаратди. У астойдил ва самарали меҳнат қилиб, аста-секин энг кўп ўқиладиган муаллифлардан бирига айланди. Унинг китоблари тез сотилиб, ёзувчига даромад келтирди.



Сомерсет Моэм китоблари

Моэм Тикланиш даври театри анъаналарига содик қолди. Оскар Уайлднинг комедиялари унинг учун обрўли эди. Моэм пьесалари комиксларга бўлинди, улардаги ғоялар Бернард Шоуникига ўхшаб, ижтимоий муаммоларни акс эттирувчи драматик кўринишга эга бўлди.

Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушларида қатнашган Моэм бу даврни ўз ижодида акс эттирди. Муаллиф ўз қарашларини «Ҳарбий хизматлари учун», «Устара қирғоғида» асарларида акс эттирган. Уруш йилларида Моэм Франциядаги автосанитария бўлимига, Швейцарияда ва Россияда ишлаган разведка хизматида ташриф буюрди.

Умрининг охириги йилларида у Шотландияга етиб келди ва у ерда сил касаллигидан даволанди.




Сомерсет Моэм-саёҳатчи

Ёзувчи кўп саёҳат қилган, Эуропа ва Осиёнинг турли мамлакатларида, Африка ва Тинч океанидаги оролларда

бўлган. Бу унинг ички дунёсини бойитди ва ўз ишида ишлатган таассуротларни берди.

Ёзувчининг асарларида реализм ва пессимистик ҳислар сезилади. Уларда атрофдаги дунёнинг зўравонлиги ва ижтимоий шароитда қаҳрамонларнинг борлиги, чуқур драматик тўқнашувлар билан боғлиқ фожиа бор.



Етук ёзувчи Сомерсет Моэм

«Инсон эҳтирослари юки» ва автобиографик асар «Инсон қуллиги тўғрисида» – бу бирлаштирилган романлар. «Ой ва Пенни» романида Моэм рассомнинг фожиаси ҳақида, «Рангли муқовада» – олимнинг тақдири, «Театр»да – актрисанинг кундалик ҳаёти ҳақида гапиради.

Сомерсет Моэмнинг роман ва ҳикоялари таъсирли сюжетлар ва психологизм билан ажралиб туради. Муаллиф ўқувчини ҳайратда қолдиради ва ажабланиш техни-

касидан фойдаланади. Асарларда ёзувчи «Мен»нинг мавжудлиги уларнинг анъанавий хусусиятидир.

Ёзувчининг шахсий ҳаёти

Танқидчилар ва биографлар Моэм шахсининг мавҳумлигини муҳокама қилишади. Унинг биринчи биографлари ёзувчи ҳақида танқидни қабул қила олмайдиган одам сифатида гапиришган. Ақлли, истехзоли ва меҳнаткаш ёзувчи, мақсадли равишда адабий юксакликка йўл олди.

У зиёлилар ва эстетларга эмас, балки асарлари тегишли бўлганларга эътибор қаратди. Моэм вафотидан кейин шахсий ёзишмаларига бўлган тақиқ 2009 йилда бекор қилинган. Бу унинг ҳаётидаги баъзи томонларни тушунишга хизмат қилди.



Сомерсет Моэм ва Сью Жоунс

Ёзувчининг ҳаётида иккита аёл муҳим ўрин эгаллаган. У Сю Жонс деб номланувчи Этелвина Жоунсни жуда яхши кўрар эди. Унинг тасвири «Пирог ва пиво» романида ишлатилган. Машҳур драматургнинг қизи Этелвина Моэм билан учрашганида 23 ёшли муваффақиятли актриса эди.



Сомерсет Моэм ва унинг рафиқаси Сири Могам

Ёзувчининг вафоти

Сомерсет Моэм 92 ёшида пневмониядан вафот этди. Бу 1965 йил 15 декабрда Франциянинг Ница шаҳридан унчалик узок бўлмаган Сен-Жан-Кап-Феррат шаҳрида содир бўлди.

Ёзувчи қолдирган маънавий меърос:

- 1897 – «Ламбетлик Лиза»
- 1901 – «Қахрамон»
- 1902 – «Миссис Крэддок»
- 1904 – «Карусель»

- 1908 – «Маг»
- 1919 – «Чақа ва ой»
- 1922 – «Хитой ширмасида»
- 1937 – «Театр»
- 1939 – «Рождество каникуллари»
- 1948 – «Каталина»

Цитаталари

Моэмнинг иқтибослари, афоризмлари ва сўзлари бугунги кунда долзарбдир. Улар ҳаётини вазиятлар, одамларнинг дунёқараши, муаллифнинг позитсияси ва ўз ишига муносабати ҳақида фикр билдирадilar.

«Янги роман ёзишдан олдин, мен ҳар доим» андида «ни қайта ўқиганман, шунда мен ўзимни беҳуш ҳолда бу аниқлик, иноят ва ақл-заковат билан тенглаштираман.»

«Мен ўз спектаклларимни кўришга умуман бормаган бўлардим, на премерада, на бошқа оқшомда, агар мен бундан қандай ёзишни ўрганиш учун уларнинг жамоатчиликка таъсирини текширишни зарур деб ҳисобламаган бўлсам. улар «Ўлим жуда зерикарли ва оғриқли. Сизга маслаҳатим: бундай нарсдан қочинг». «Ҳаётнинг кулгили томони шундаки, агар сиз энг яхшисидан бошқа нарсани қабул қилишдан бош тортсангиз, унга тез -тез учрайсиз.»

“Спорт менинг ҳаётимда” мавзуси ўрганилаётганда талабалар Интернет орқали намоёиш этилган дарс машғулоти ёзиб олдилар ва қуйида берилган топшириқ асосида “Қишки спорт ўйинлари” мавзусидаги топшириқни бажаришга киришдилар (4-расм).

Theme: Winter sports

Your Extra Home Task

4. Complete the chart according to your opinion

Winter Sports					
					
ice hockey		figure skating		ski-jumping	
advantages	disadvantages	advantages	disadvantages	advantages	disadvantages
Conclusion:					

Score: 30


4-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган топшириқлар (а).

Theme: Winter sports

Your Home Task

3. You have to find more information about ice hockey, skating or skiing (example: its rules, equipments and etc.)

Example:



Score: 1 scores for a right word

5-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган топшириклар (б).

Theme: Winter sports

Your Home Task

1. Make the chart and write definitions of the given words











Winter sports terms	Definition of the words
biathlon	
skating	
speed skating	
curling	
alpine skiing	
ski jumping	
snowboarding	
figure skating	Score: 8

6-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган топшириклар (с).

Гулистон давлат университетининг 1-курс талабалари ўртасида “Инсон дўстлари” мавзуси ўрганилаётганда талабалар Интернет орқали намойиш этилган дарс машғулоти ёзиб олдилар ва қуйида берилган топшириқ асосида топшириқни бажаришга киришдилар (2.4-расм).

Homework

“Чархпалак” элемент

№	Animals	Domestic	Wild	Food	Colour
1	 Cat				
2	 Bear				
3	 Tiger				
4	 Cow				
5	 Wolf				
6	 Dog				
7	 Rabbit				
8	 Horse				
9	 Lion				
10	 Monkey				

7-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган фаоллаштирувчи топшириқ

Theme: Wintersports

Your Home Task

2. Complete the exercise which is shown in the example

Example:

<u>Kasimov</u>	<u>play</u>	<u>fast</u>	<u>football</u>	<u>famous</u>	<u>run</u>	<u>player.</u>	1 noun
			<u>kick</u>				2 adjectives
		<u>is</u>		<u>the best</u>			3 verbs
			<u>soccer</u>				1 sentence
							synonym

Score: 8 scores for one completed exercise

8-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган топшириқлар асосида тадлабалар томонидан бажарилган топшириқ.

Расмлардан кўришиб турибдики, талабалар стриминг технологиялари асосида ўқитувчи томонидан тақдим қилинган топшириқни машғулот даврининг ўзидаёқ ёзиб олиши, уни бажариб бўлгач, масофавий таълимда яна қайта намойиш этишга имконияти мавжуд. Бу биринчидан, вақт тежалишига, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги интерфаолликни кучайтиришга, иккинчидан ўрганилаётган ўқув модулига қизиқишни орттиришга, учинчидан, дидактикадаги муҳим тамойиллар: кўргазмалилик, тушунарлилик, назария ва амалиётнинг бирлиги тамойил-

ларининг таъминланишини вужудга келтиришини исботлади.

Тажрибавий машғулотларда стриминг ўтказиш учун қуйидагилар бўлиши таъминланди:

Юқори ишлаш хусусиятли шахсий рақамли қурилма (компьютер, ноутбук, планшет);

Юқори тезликдаги Интернетга уланиш;

Микрофон ва веб-камера.

Профессионал жиҳозлардан фойдаланиш: овозли ва видеокарталар, микрофонлар, камералар, аудио ва видео алмаштиргичлар.

Тажрибавий машғулотларда стрим технологиялари учун қуйидаги платформалархизматидан фойдаланиш тавсия этилди: Ютуб ва бепул дастурий таъминот ОВС. Комплексида фойдаланиш учун ушбу маҳсулотларнинг бир қатор афзалликлари борлиги аён бўлди:

1-дан, шунга ўхшаш веб-хизматлар ва дастурларга нисбатан 8-10 баробар юқори сифатли трансляцияга эга бўлиш (1920x1080, 60 fps қадар);

2-дан, намоёниш этишни орқага қайтариш;

3-дан, реал вақтда ҳар қандай машғулот дақиқасини қайтариб кўриш ва бошлашга имконият мавжудлиги;

4-дан, трансляцияни ёзиб олиш тугагандан сўнг дарҳол топшириқларни бажаришга имкониятнинг мавжудлиги;

5-дан, ўқитувчи, ёки аудиториядаги талабалар учун, ёхуд, таълим иштирокчисига индивидуал шарҳлар қолдириш учун яна рўйхатдан ўтиш шарт эмаслиги ва бошқалар. Кўриб турганимиздек, стриминг технологиялари масофавий таълим олишда энг қулай, вақтдан тежамли фойдаланиш учун мўлжалланган технология эканлиги ўз тасдиғини топди. Энг асосийси, инглиз тилини ўрганишдаги қулайлиги: намоёниш этилаётган ахборотларни тинглаш, уларни тушуниш, идрок этиш, жоиз бўлса, қайтадан кўриш ва эшитиш, тинглашга катта имконият яратиши маълум бўлди.

Стриминг технологиялари асосида бўлажак кадрларнинг келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлик ва мувофиқлик даражаси, уларнинг инглиз тилидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаганлиги, кундалик таълим тизимида яратувчилик хусусиятлари билан, таълимдаги сифат ва самарадорлик билан белгиланади.

Педагогика, психология, инглиз тилини ўқитиш методикасига доир адабиётлар, илмий тадқиқот ишларининг таҳлили олий таълимда таҳсил олаётган талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш заруратини кўрсатди.

Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда стрим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) Онлайн курсларни қўллаш орқали таълим сифатини ошириш ва таълим дастурларининг мазмунини янгилаш

2) Таълим жараёнига етакчи ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб қилиш;

3) ОТМ томонидан тақдим этилган таълим имкониятларини кенгайтириш;

4) Талабанинг хоҳишига кўра ўқув модуллари сонининг кўпайиши;

5) Ўқув юкламасини камайтириш,

6) Ўқув жараёнини режалаштиришнинг мослашувчанлигини ошириш ва талабаларни рағбатлантириш

Ўзини ўзи ўрганишга имкон яратиш;

7) Таълимнинг талаб қилинадиган кадрлар бўйича юкламасини оптималлаштириш, етишмаётган ресурсларни яратиш ёки тўлдириш;

Стриминг технологиялари асосида ўқитувчининг фаолияти энг мураккаб тушунчаларнинг мазмунини тушунтириш, муаммоли вазиятларни тизимли равишда яратиш, талабаларга далилларни етказиш ва уларнинг ўқув-билув фаолиятини шу тарзда ташкил этишдан иборатки, улар тақдим қилинган инглиз тилидаги далилларни таҳлил қилиш асосида мустақил равишда хулосалар ва умумлашмаларга эга бўладилар. Натижада, талабаларда 1) ақлий операциялар ва ҳаракатлар кўникмалари; 2) билим-

ларни АКТ воситасида узатиш қобилиятлари ва бошқалар ривожлантирилади.

Стриминг технологиялари асосида билим ўзлаштиришнинг когнитив босқичлари маълум кетма-кетликда амалга оширилади:

1) АКТ асосида ташкил этилган вазиятнинг пайдо бўлиши;

2) стриминг технологиялари моҳиятини билиш орқали тил ўзлаштириш ва уни амалиётда қуллаш;

3) стриминг технологиялари асосида тахмин қилиш, фараз қилиш ва асослаш орқали ўқув мавзуларини ўзлаштириш;

4) фаразни тасдиқлаш; муаммони ҳал қилишнинг тўғрилигини текшириш.

Стриминг технологиялари асосида амалий метод – мавжуд билимларни такомиллаштириш мақсадида уларни қайта ишлаш бўйича амалий ҳаракатлар, кўникмалардан фойдаланиш, техник моделлаштириш ва дизайн билан боғлиқ тадбирларни ўз ичига олишни билдирадиган фаолият билан бирга, қисман-қидирув методларидан фойдаланишга имконият яратилади. Бунда бу таҳсил олувчи томонидан интернет ахборотларини ўқув жараёнининг барча босқичларини мустақил равишда эгаллашни талаб қиладиган ишларни бажариш ва қидирув фаолиятини

олиб боришга ундовчи йўлдан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Инглиз тили машғулотларида стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги ўқитиш жараёнининг босқичлари белгиланади:

Кўникма – эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усулларини эгаллаш. Демак, инглиз тили машғулотларида муайян кўникмага эга бўлиш учун талаба инглиз тилидаги ёзма ва оғзаки тил нормаларини эгаллаганлиги ва уни амалда қўллай олиши тушунилади.

Малака – автоматлашган, бирор бир усул билан беҳато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси.

Компетенция – инглиз тилида эгалланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллай олиш лаёқати.

Ташкил этиш – қўйилган мақсадни самарали амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён.

Шакл – ўқув жараёнининг ташқи ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобик.

Метод – ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли. Инглиз тили машғулотларида муаммоли таълим асосида талабаларнинг ўқув-билув

фаоллигини оширувчи методларга: Брейншторминг, Свот таҳлил, Чалкаш занжирлар асосида ёндашилди.

Восита – ўқув жараёнининг предметли қўллаб-қувватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва талабалар томонидан фойдаланиладиган объект.

Натижа – ўқув жараёнининг сўнгги маҳсули, белгиланган мақсадларнинг амалга ошганлик даражаси.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда инглиз тилидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашнинг визуал (V), аудиал (A) ва кинестетик (K), шунингдек, мантикий ёки, “дискрет” (D) деб номланувчи канал турларидан фойдаланиш зарур.

Талабалар таълим жараёнида табиий равишда фойдаланадиган жами тўртта – визуал (V), аудиал (A), кинестетик (K) ва дискрет (D) сенсор каналлари (VAKD) репрезентатив тизим дейилади. Бироқ, кўп ҳолларда бу тизимни ташкил этувчи сенсор каналларнинг барчаси инсон фаолиятида иштирок этсада, улардан биттаси афзалроқ – яқин саналиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам таҳсил олувчиларнинг барчасини, шартли равишда, *визуаллар, аудиаллар, кинестетиклар ва дискретларга* бўлиш мумкин. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда айнан мана шу хусусиятлар инобатга олиниши лозим.


Бизни ўраб турган олам кўз олдимизда турли образлар (V), товушлар (A) ва сезгилар (K) сифатида намоён бўлади. Оламни билиш жараёнида биз уни кўрамиз (V), эшитамиз (A) ва ҳис қиламиз (K). Билиш жараёнида ўқишимиз, турли схема ва формулаларни ўрганишимиз ҳам мумкин (D). Маълумотлар миямизда акс этиб, турли образлар (V), товушлар (A), ҳислар (K) ва терминлар, схемалар (D) кўринишида гавдаланади. Бироқ, талабалардаги репрезентатив тизимларининг имкониятлари турлича бўлганлиги боис, уларнинг оламни “кўряпман – эшитяпман – ҳис қияпман – ўқияпман, ўрганяпман” орқали билиш қобилиятлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Идрокнинг бу тўртта (V, A, K, D) каналлари орасида ҳар бир талаба учун бошқа каналларга нисбатан яхшироқ кўрадигани, яхши ўзлаштиргани ва амалиётда кўпроқ қўллайдигани мавжуд. Идрокнинг айнан шу канали “*афзал кўриладиган репрезентатив тизим*” деб юритилади.

Визуаллар, аудиаллар, кинестетиклар ва дискретлар ўртасидаги фарқлар уларнинг инглиз тилидаги ўқув материални ўзлаштиришларида ҳам намоён бўлади.

Инглиз тилидан ўқув материални визуаллаштириш	Ўқув материали тури
Визуал конструкцияланган ўқув материали	Визуал эсланадиган ўқув материали

Аудиал конструкцияланган ўқув материали	Хотирага боғлиқ бўлган ўқув материали (инглиз тилидаги янги сўзлар, қоидаларни ёдлаш)
Кинестетик конструкцияланган ўқув материали	Аудиал, ички (дискрет) диалог

Шундай қилиб, талабаларда лингвомаданий билим, кўникма ва малакаларини доимий янгилаб бориш, таълим беришда мотивация, реализация ва рефлексия малакаларини тўлиқ эгаллаган бўлишлари талаб этилади. Инглиз тили машғулотларини стриминг технологиялари асосида ташкил қилиш мазмуни ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллик босқичлари ўзига хос хусусиятларга эга.



**СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
ТАЛАБАЛАРДА ФАНГА ОИД
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ**

**Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга
оид компетенцияларни ривожлантиришни аниқлашга
мўлжалланган мезонлар**

МЕЗОНЛАР	НАТИЖАВИЙЛИГИ
Визуал конструкцияланган ўқув материални идрок этиш; асосий ва моҳиятан бирламчи фикрларни аниқлай олиш; АКТ асосида интернетдан узатилаётган маълумотларни ёзиб олиш, саралаш, таҳлил қилиш, интерпретациялаш, моделлаштириш.	Истикбол режасининг бажарилиши кафолатланади, таълим сифати ошади
Инглиз тилида тақдим этилган матнни анализ, синтез, аналогия, башорат қилиш кўникмаларининг ривожланганлиги	Малака тоифасининг ўсиши
Коммуникатив, лингвистик компетенцияларнинг ривожланганлиги	Инглиз тилида мукамал сўзлашишнинг ривожланиши
Ўқув фанига оид мотивациянинг	Инглиз тили ўқув кур-

ривожланганлиги	сини ўзлаштириш самарадорлиги
Дидактик компетенцияларнинг ривожланганлиги	Келгуси касбий фаолиятини ташкил қила олиши
Тил лексикасининг бойлиги	Инглиз тилида эркин мулоқот ўрната олиши
Эгалланган билимлардан келгуси фаолиятида фойдаланиш малакалари	Малака тоифасининг ўсиши
Лексик ва грамматик компетенцияларга эга бўлиш	Инглиз тилида эркин мулоқот ўрната олиши
Лексик ва грамматик компетенцияларга эга бўлиш Инглиз адабий тил нормаларига риоя қилиш даражаси	Малака тоифасининг ўсиши


Жадвалда ифодаланганидек, стриминг технологиялари асосида визуал, аудиал ва кинестетик конструкцияланган ўқув материалиинглиз тили машғулотида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланади. Бундан ташқари, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари учун касбий фаолият мезонлари ишлаб чиқилди.

а) инглиз тили бўйича педагогик малака тоифасининг ўсиши;

б) ўқув жараёнига ахборот-коммуникацион ва инновацион технологияларни жорий эта олиш малакалари;

в) маҳорат дарслари ва семинар-тренингларни ўткази олиш малакалари;

г) педагогик фаолиятда турли вебинар, семинар-тренингларда иштироки. Юқоридагиларни инобатга олиб, стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган мезонлар ёрдамида жараённи тўлиқ акс эттирувчи модель ишлаб чиқилди.



.Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш модели

Шундай қилиб, стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш модели самарали эканлиги тажрибавий дарсларда ўз тасдиғини топди, яъни, янги кадрларни етиштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий тадбирлар йиғиндисини ташкил қилиб, мамлакат иқтисодиёти учун баркамол, замонавий билимларни тўлиқ эгаллаган, маънавиятли, компетентли, ҳаракатчан, ижодий ёндашувли, креатив кадрларни етиштириб беришдек вазифалар ижросини таъминлашга мўлжалланганлиги билан намоён бўлди.

Стрим технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш Давлат таълим стандартида кўрсатилган талабларни амалга оширишни назарда тутди (1.1-жадвал).

1.1-жадвал.

Талабаларда чет тилларини ўзлаштиришда ривожлантириладиган компетенция кўринишлари

Талабаларда ривожлантирилиши лозим бўлган компетенция кўринишлари	Талабаларда ривожлантирилиши лозим бўлган компетенциялар таърифи
Грамматик компетенция	Грамматик компетенция грамматик қонун қоидаларни ёдлаш, уларни англ-

	лаш ва уларнинг тил амалиётида адекват ва тўғри қўллай олиш; тил моҳиятини чуқур англаш ва қабул қилиш, тил моҳиятини «ўзиники» қилиб олиш
Коммуникатив компетенция	Ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилияти
Лингвистик компетенция	Тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллаш
Лексик компетенция	Чет тилидаги илмий, оммабоп, бадий, мутахассисликка оид тил материалларини ўқиш ва ўзлаштириш қобилияти
Прагматик компетенция	Оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутати. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмалари

	(УмумЕвропа компетенциялари (2003 й))
Нутқий компетенция	Чет тилини билганлик, уни англаганлик, уни ўзлаштирилганлигининг бош меъёри
Логистик компетенция	Турли хил тоифадаги логистика хизматлари истеъмолчилари учун тил ўзлаштириш бўйича бизнес моделларини лойиҳалаштириш, шунингдек, муҳандислик воситалари ёрдамида ўзга тилларни ўзлаштириш динамик жараёнларини бошқариш қобилияти
Стриминг технологиялари билан ишлаш	Интернетдан олинган маълумотни ёзиб олиш, сақлаш, уларни таҳрирлаш, яна қайтариб трансляция қилиш қобилияти

Жадвалда ифодаланганидек, грамматик компетенция ҳар қандай тил қурилишида асосий роль ўйнайдиган асос саналади. Грамматик компетенция тил ўрганилиши бошланиши биланоқ ўрганила бошланади. Бинобарин, грамматик компетенция билан тил ўрганаётган инсон жаъми 18 йил шуғулланади. Грамматик компетенция бир томондан грамматик қонун қоидаларни ёдлаш, уларни англаш ва уларнинг тил амалиётида адекват ва тўғри қўллай

олишда зарур бўлса, иккинчи тарафдан грамматик компетенция тил моҳиятини чуқур англаш ва қабул қилиш, тил моҳиятини «ўзиники» қилиб олишда ўзини ёрқин намоён қилади. Грамматик компетенциянинг оддий қоидалари мактаб таълими даврида эгалланган бўлишига қарамай, айнан ОТМ даврида улар ўзини эркин, анланган ва чет тили малакаларини амалиётга фаол қўлланган тарзда намоён қила бошлайди. Жадвалда ифодаланган коммуникатив компетенция – ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборатдир. ДТС да ОТМ талабаларининг чет тиллари бўйича билим, малака ва кўникмалар нуқтаи назаридан ҳар қандай мавзунини тинглаб тушуниши, мана шу мавзу бўйича гапира олиши, талабада чет тиллари бўйича ўқиш, ёзиш, фикр қила олиш, ўз фикр, ғояларини тушунтира ва ўткази олиш лаёқатлари тақозо этилмоқда.

Жадвалда ифода этилган лингвистик компетенциятилни материалли (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билим-

лар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутди.

Жадвалда ифода этилган прагматик компетенция ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва хоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутди. Мазкур стандартда дискурс компетенцияси прагматик компетенция таркибига киритилди. Мазкур компетенция оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутди. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутди [1].

Жадвалда ифода этилган нутқий компетенция чет тилини билиш даражасида унинг оғзаки нутқ малака ва кўникмаларининг тўла шаклланган бўлишини англатади. Нутқий компетенция коммуникатив компетенциянинг амалий натижаси, унинг амалий ва ижодий намоён бўлиши ҳолати саналади. Нутқий компетенцияни ривожлантирмай туриб тўла ҳолда чет тилини биламан деб бўлмайди. Нутқий компетенция аслида чет тилини билганлик, уни англаганлик, уни ўзлаштирилганлигининг бош меъёри саналади. Нутқ бўлмас экан, демак тил ҳам йўқ саналади. Бинобарин, таълим бериш жараёнида нутқий

компетенцияни шакллантириш тил ўқитишдаги бош талаблардан бирига тенг келади.

Жадвалда ифода этилган лексик компетенция ҳар қандай тил, шу жумладан она тили ва хорижий тилнинг маълум бир оғзаки нутқ, бадиий тил ва кундалик тил лексик қатлами борлигини кўрсатиб берувчи омилдир. Лексик компетенция хорижий тилни билиш меъёрларидан бири бўлиб, у мазкур тил қатламидаги маълум бир birlikлар ўзлаштирилганлигини кўрсатади. Агар оддий мулоқот учун чет тили доирасида 500 дан ортиқ лексик birlik фаол ўзлаштирилиши етарли бўлса, унинг ундан юқори даражада, яъни илмий, бадиий, интеллектуал, тарихий даражада ўзлаштирилиши учун 5000 лексик birlik ҳам етарли бўлмаслиги мумкин. Шу боис, ОТМ даражасига етиб келган талаба аслида зарур бўлган бирламчи лексик даража, яъни 500 лексик birlikни қатъий ва аъло даражада ўзлаштирган бўлиши лозим. Айнан ОТМ таркибида талабала рундан юқори лексик қатлам, яъни интеллектуал, тарихий, илмий, бадиий тил лексик қатламлари ўзлаштириш йўлидан бориши тақозо этилади. ОТМ сидаги чет тили бўйича лексик қатлам талабанинг мутахассислик доирасидаги лексик қатламнинг фаол ўзлаштирилишини талаб этади. Лексик қатламни ривожлантиришнинг бош усули чет тилидаги илмий, оммабоп, бадиий, мутахассис-

ликка оид тил матераилларини ўқиш ва ўзлаштиришда намоён бўлади.

Жадвалда ифода этилган социолингвистик компетенция сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади. Социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларни билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда туттади.

Биз тадқиқот доирасида талабаларда чет тилларни ўзлаштиришларида ривожлантирилиши мўлжалланган компетенциялар турларига яна: логистик компетенция, стрим технологиялари билан ишлаш компетенция кўри-нишларини киритдик.

Логистик компетенция – талабаларнинг нафақат операцион муаммоларни ҳал қилиш, балки турли хил тоифадаги логистика хизматлари истеъмолчилари учун тил ўзлаштириш бўйича бизнес моделларини лойиҳалаштириш, шунингдек, муҳандислик воситалари ёрдамида тил ўзлаштириш динамик жараёнларини бошқариш қобилияти. Бугунги рақамли технологиялар турли жабҳаларга

кириб келаётган шароитда талабалар бўлажак мутахассис сифатида бизнес режаларни тузиш, уларни маркетинг соҳасида оммалаштириш қобилиятларига ҳам эга бўлишлари талаб этилади. Шу жиҳатдан олганда, логистик компетенцияларни уларда ривожлантириш зарурати туғилмоқда. Шу сабабли, биз талқиқотда айнан шу компетенция кўринишини ҳам изланиш объекти сифатида кўриб чиқдик.

Стрим технологиялари билан ишлаш компетенциялари – интернетдан олинган маълумотни ёзиб олиш, сақлаш, уларни таҳрирлаш, яна қайтариб трансляция қилиш қобилияти.

СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

И.Н.Илхомованинг “Нофилологик таълим йўналишидаги талабаларнинг ижтимоий-маданий компетентлиги контекстида нутқ кўникмаларини такомиллаштириш” мавзусидаги 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари) ихтисослигида педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида нофилологик таълим йўналиши талабаларининг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантиришда чет тилидаги нутқий фаолиятни такомиллаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини ўзлаштириш зарурлиги асосланган. Олима ўз тадқиқотида чет тилидаги коммуникатив компетенция нофилологик таълим йўналиши битирувчиларининг умумий ва касбий компетенцияларининг таркибий қисмини ташкил қилиб, чет тилини ўргатишда асосий мақсад бўлиб хизмат қилишини, бунинг якуний натижаси эса тилга оид билим ва малакалардан муайян бир вазиятда мутахассис томонидан тил вакиллари билан мулоқотда нутқий этикет ва ижтимоий хулқ нормаларига мос равишда фойдаланиш қобилияти саналишини исботлаб берган. Ишда олима чет тилида коммуникатив компетенция моделининг танланиши нофилологик таълим йўналиши талабаларига чет тилини махсус мақсадлар учун ўқитилиши ва унда чет тили

коммуникатив компетенциясининг ижтимоий-маданий доирада касбий ихтисосликнинг ўзига хослиги туфайли алоҳида аҳамият касб этишини изоҳлайди.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш жараёни 5 та асосий босқичдан иборат (1.4-расм)



1.4-расм. Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш босқичлари

расмда акс эттирилганидек, талабаларда стриминг технологиялари асосида ўзлаштирилиши лозим бўлган инглиз тилидаги материални идрок этиш;

уни фаҳмлаб олиш, тушунчаларнинг ҳосил бўлиши;

билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, кў-
никма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши;

ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни амалиётда қўллаш (компетенцияларни таркиб топтириш лозим.

Ҳар бир босқич учун талабаларнинг муайян характердаги билиш фаолияти характерлидир. Бу фаолият ўқитувчи томонидан алоҳида раҳбарликни талаб этади. Талабаларнинг ўрганилаётган (ёки ўрганилиши лозим бўлган) инглиз тилидан материални идрок қилишини ташкил этар экан, ўқитувчи уларнинг ҳаётий тажрибаси ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда материал тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиб, олдиндан уни бутунлигича тушунтиради ва кўрсатади.

Ўрганилаётган объект ҳақидаги умумий тасаввур асосида уни тушунишни таъминловчи, аста-секин чуқурлашиб борувчи англаш жараёни давом этади. Ўқитишнинг бу звеносининг мақсади илмий тушунчаларни таркиб топтиришдир.

Бакиева Г.Х. талабаларнинг касбий қизиқишларини шакллантиришнинг педагогик асосларини ривожлантириш ҳақида фикр билдирар экан, «ўқув жараёнида касбий

қизиқишларни шакллантириш учун ўқув фанини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув фаолияти касбий фаолият билан алоқадор равишда шаклланиши лозим», – деб ҳисоблайди [36, 63-б.]. Худди шундай, В.В.Копылова, В.В.Краевский инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этишди [75,77].

Тоҷик олими С.Н.Алиев илмий ишида: Талабаларнинг инглиз тилини ўрганишини назорат қилиш ва режалаштириш учун, унинг олдиндан эгаллаган билимлар кўламини диагностика қилиш ва шу асосда келгусида эгаллайдиган касб соҳасига йўналтириш лозим», – деб ёзади. [27, 111-б.]. Демак, талабаларнинг ўқув-билув фаолияти таълимнинг якуний мустақиллигини аста-секин ва изчиллик билан ошириб бориш жараёнидир. Бу жараённинг моҳияти – билим, кўникма малака ва компетенцияларни ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш ва билиш кучларини ривожлантиришдир.

Талабаларда ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув шаклларида амалга оширилар экан, бунда И.Б.Короткина таъбирича, «инглиз тилини ўрганишга бўлган иштиёқни кучайтириш учун бошқа ўқув фанларини интеграциялаб ўқитиш ва шу аснода бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятига бўлган қизиқишини ошириш лозим», – деган фикрига

қўшиламыз. Тадқиқотчи талабалар учун мўлжаллаб тузиладиган билув муаммоларига қатор дидактик талабларни қўяди: билув муаммолари талабаларнинг кучи етадиган, уларни билишга рағбатлантирадиган шаклда тузилиши зарур; билув муаммолари тизими ўрганилаётган мавзунинг моҳиятига мос бўлиши, ўқув материалининг барча таркибий қисмларини ўзига қамраб олиши лозим; билув муаммолари ўқув материалига адекват бўлиши билан бирга, талабаларнинг реал билиш имкониятларини ҳисобга олиб тузилиши шарт.

Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчилар, таҳсил олувчиларда когнитив фаолиятни шакллантириш муаммосини таъкидлаб, инглиз тилидаги ўқув машғулотларида муаммоли таълим воситасида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш заруратига эътибор қаратмаганлар. Шу боис, бир қатор тадқиқот ишларида таҳсил олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган бўлсада, аммо стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан ўрганилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш таълим мазмунидаги ўқув-билув муаммоларининг тавсифи берилган (янги билимларни қайд этишга оид ўқув-билув муаммолари;

кўникма ва малакаларни янада такомиллаштиришга оид ўқув-билув муаммолари; ижодий фаолият тажрибасини ўзлаштиришга оид ўқув-билув муаммолари; тилга муносабатни шакллантиришга оид ўқув-билув муаммолари; ўрганилган билимни янги ўқув шароитига татбиқ қилишга оид ўқув-билув муаммоларини кўриб чиқиш талаб этилади.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш: 1. Ўрганилаётган мавзуга оид ҳодисани ажратиш ва кузатиш; 2. Ўрганилган билимни янги ўқув ҳолатига татбиқ қилиш; 3. Икки ёки ундан ортиқ мавзу доирасида тил ҳодисаларини таққослаш; 4. Ўзининг ва ўзгалар билимига муносабат билдириш асосида кечади.

Олий таълимда инглиз тилини ўқитиш жараёни педагогнинг ўргатувчилик фаолиятини ва талабаларнинг махсус ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилига эътибор қаратайлик. Таълимда ўқитувчининг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Шундай қилиб, буларнинг барчаси ўқитувчининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларини амалга оширишида ўз аксини топмоғи лозим. Ана шу асосдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқитувчи талабаларига қўлга киритилган билимларни ўргатади. Ўқув фаолиятида уларни кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Шу билан бир пайтда у талабаларда дунёқараш ва ахлоқ нормаларини ҳосил қилади, қизиқиш ва қобилиятларни шакллантиради, уларнинг билиш фаоллигини оширади. Ўқитувчининг фаолияти талаба шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишига катта имкониятлар очиб беради. Янада аниқ қилиб айтсак, бутун ўқув жараёнини режалаштиради, ушбу жараёнда талабалар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этади. Талабаларга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини ташхис қилади. Ўз навбатида талабаларнинг фаолияти ўқув жараёнида ўрганишга, билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллашга, ўзини жамиятга фойдали фаолиятга тайёрлашга йўналтиради. Таълим жараёнида талабаларнинг фаолияти кўп қиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТРЕНДИ-СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДИК ТАВСИФИ СИФАТИДА

Илғор ўқитиш усуллари жорий этиш жамиятда маданий ўзгаришларни талаб қилади. Олий таълим ташкилотларининг тузилиши янги ғоялар алмашинуви, талабаларнинг муваффақиятли лойиҳаларни бажариши, уларни ривожлантириш ва амалда қўллаш мақсадида осонлаштириладиган тарзда тузилиши керак. Шундай экан, олий таълимда стриминг технологияси замонавий таълим тренди сифатида қаралиши муқаррар.

Таълим трендлари – бу унинг ўзгаришларини белгиловчи тенденцияларидир. Биринчидан, бу таълим парадигмасининг асоси бўлган янги шароитлар ва фаол ўқитиш усуллари яратишдир. Иккинчидан, танқидий фикрлайдиган ва функционал жиҳатдан саводли, ўз билимларини доимий равишда янгилаб турадиган, тез ўзгариб турадиган дунёда муваффақиятли ҳаёт учун ўз қобилиятларини тезда қайта қўрадиган, мосланувчан қобилиятли шахсни тайёрлашга талаблар тобора ортиб бормоқда.

Олийтаълим ташкилотларининг барча фаолияти муваффақиятли талаба шахсини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунинг учун тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш,

зарур ташкилий кўллаб-қувватлаш тузилмаларини яратиш, профессор-ўқитувчиларни рақамли технологиялар билан ишлашга ўргатиш, ўқув дастурлари ва талабаларни баҳолаш тизимларини қайта кўриб чиқиш зарур.

Талабаларга ҳақиқий амалий кўникмаларни ўргатиш келажақда иш билан таъминлашда, шунингдек уларнинг касбий малакаларини оширишда ёрдам беради, ҳамкорликнинг самарали ечимларини топиш учун калит ҳисобланади. Ҳамкорликда олий таълим муассасаларининг бирлашмаларини яратиш, уларга таълим хизматларининг жаҳон бозорида фойдали позицияларини эгаллашга ёрдам берадиган альянслар тузиш тенденцияси мавжуд.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари ва онлайн ўқув материаллари кенг тарқалган бўлсада, ҳозирда бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам барча аҳоли гуруҳлари учун бир хил маромда Интернетдан фойдаланиш юкламасини бажариш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли, келажақда талаб қилинадиган талабаларнинг касбий кўникмалари, ижодкорлик қобилиятлари ва танқидий фикрлаш қобилиятлари бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ОТМлар учун энг устувор вазифадир.

Мамлакатимизда 2018 йилда Олий таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция асосида мамлакатдаги барча ОТМларининг ўқув,

илмий, маънавий-маърифий фаолияти қайта кўриб чиқилди ва янги мазмунда ўз фаолиятини қайта кура бошлади. Президент қарори асосида “2017-2021 йилларга мўлжалланган олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахасислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури” қабул қилинди (2017 йил 20 март). Шунингдек, сўнгги йилларда қабул қилинган олий таълим тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган 10 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар олий таълим ривожини ва мамлакат ижтимоий ҳаётида туб бурилиш ясади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси тuzилди.

Давлат таълим тизими билан биргаликда республиканинг барча ҳудудларида норасмий ва ноформал хорижий тилларни ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мана шундай тил марказлари Германиянинг DAAD, Кореянинг КОИКА, Япониянинг JICA, Исроилнинг MASHAW, Ҳиндистон маданият маркази, АҚШнинг EDUCATIONAL EXCHANGE PROGRAM, Буюк Британиянинг BRITISH COUNCIL каби ташкилотлари, уларда ташкил қилинган ресурс марказлар, Маданият марказлари, кутубхоналар, интернет материаллари, туиторлик хизматлари, стажировкалар ва хорижий элларга танлов асосида ўқишга юбориш

хизматлари, шунингдек Хитой, Франция ва бошқа элчихоналарда ташкил қилинган тил марказлари орқали фаолият олиб бормоқда. Элчихоналар таркибида тиллар бўйича турли танловлар, хорижий стажировкалар ўтказиш анъанага айланган.

Масалан, АҚШ элчихонасида Таълим масалалари бўйича Маслаҳат Маркази (ТММ) фаолият олиб боради. Мазкур марказ АҚШда таълим олишга қизиқувчи талабаларга ёрдам беради. ТММ, ёшларнинг АҚШда таълим олиш бўйича материаллардан фойдаланишга имкон яратади. Улар ичида ўқув дастурини танлаш, ўқишга қабул қилиш шартлари, молиявий ёрдам ва ўқиш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича бепул маслаҳат бериш хизматларини кўрсатишади. АҚШда таълим олаётган Ўрта Осиёлик талабалар сони ўтган сўнгги ўн йилликда аввалгига қараганда 20 фоизга ошган. 2016-2017 ўқув йилида 870 га яқин Ўзбекистонлик талабалар АҚШда тахсил олган бўлиб, бу кўрсаткич 2012-2013 йилдаги 586 талабадан анча юқоридир.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда турли маданият марказлари жадал фаолият олиб боради. Масалан, республикада мавжуд элликка яқин маданият марказлари Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат ва элатлар маданиятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Шу билан

бирга мустақиллик йилларида хорижий давлатлар университетларининг мамлакатимиздаги филиалларини очишига асос солинди. Улардан Буюк Британиянинг Тошкент халқаро Вестминстер университети, Тошкентдаги Сингапур менеджментни ривожлантириш институти, Тошкентдаги Турин политехника институти, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкентдаги филиали, Губкин номидаги нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиали, Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиаллари мана шулар жумласидандир.

Стриминг технологиялари таълим тренди сифатида баҳоланар экан, бу унинг ўзгаришлари билан боғлиқ динамикани кўрсаткичини белгилайди.

Стриминг технологиялари талабаларда билим, кўникама, малака ва компетенцияларни шакллантириш мақсадини онлайн тарзда ташкил қилишдан иборат. “Ўқитиш натижаси сифатида инглиз тилидан билимларининг тўлиқлиги, чуқурлиги, тизимлилиги, анланганлиги, мустаҳкамлиги ва амалий хусусият касб этиши муҳимдир. Бу каби ҳолатлар таълим жараёнининг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ифодалайди”.

СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАЪЛИМ ТРЕНДИ СИФАТИДА

Узлуксиз таълим олий таълимнинг пойдевори ҳисобланади. Билимларга асосланган жамият ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга интилаётган мамлакатлар ҳар доимгидан кўра аҳолининг билимларини доимий равишда янгилаб бориш, ходимларнинг малакасини ошириш ва касбий ривожланиш имкониятларини кенгайтириш зарурати ҳақида кўпроқ ташвишланмоқдалар. Бу университетлар ва корпорациялар ўртасидаги яқин ҳамкорлик масаласидир. Ахборот манбаларини таҳлил қилиш натижасида бугунги кунда замонавий таълим йўналишларини иккита асосий тренд (йўналиш)га ажратиш мумкин:

1-тренд.

Ўрганиш инсоннинг асосий кундалик фаолиятига айланади. Ҳар бир инсон ҳар куни янги нарсаларни ўрганишга иштиёқманд бўлиши, ўқув-билув фаолияти ҳафтаси 14 соатгача давом этади. 2025 йилга келиб эса, 60 ёшдан ошган инсонлар бугунги 20 ёшдагилар каби узоқ вақт ўқийдилар, ёшлар эса бугунги кунга қараганда икки баравар кўп таҳсил олишга эҳтиёж сезишади.

2-тренд.

Ҳаёт давомида таҳсил олиш. Инсоннинг ҳаёти давомида янгиликларни ўрганиш, уларни ўзлаштириш учун

эҳтиёжи ошади. Бу инсонда технологиялар ва ғояларнинг тез ўзгариши билан асосий кўникмаларга айланади. Технологиялар ва ғояларнинг тез ўзгариши билан асосий кўникмалардан бири – эскиларни «мустаҳкамлаш» ва янги нарсаларни ўрганиш қобилиятлари бўлади. Ҳозирги таълим тизими ўзгариши керак, чунки энди ҳеч ким битирувчига 4 йил ичида қандай билим ва кўникмалар кераклигини режалаштира олмайди. Шунинг учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари фундаментал таълимга қўшилади. Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган қуйидаги трендларни эътироф этмоқчимиз:

3-тренд.

Рақамли технологиялар ривожланиб бориши билан инсонлар тобора кўпроқ фаровонлик ва қулайлик излашга мажбур қиладиган эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Бу эса, Онлайн курслардан фойдаланган ҳолда таълимни индивидуаллаштиришни талаб қиладди. Талаба кутилган эҳтиёжларига тўлиқ мослаштирилган онлайн курслар ёрдамида ўқув жараёнидан кўпроқ фойда олиши, инглиз тилини ўзлаштиришда оптимал натижаларга эришиши мумкин. Шу билан бирга, индивидуал ёндашув самарали бўлиши таъминланади.

4-тренд.

Тескари ўқитиш. Бу аралаш таълимнинг алоҳида ҳолати – жонли тарздаги, анъанавий маърузалар ўрнига онлайн ва офлайн тарзидаги машғулотларнинг ташкил қилиниши. Бунда профессор-ўқитувчилар фақат амалий машғулотлар учун тўлиқ тайёргарлик кўришади: савол-жавоб, суҳбат, мулоқот каби таълим шакллари ривожланади.

5-тренд.

Таълим жараёнини автоматлаштириш. Профессор-ўқитувчилар учун тежамкор ечимга айланадиган ва энг муҳими, талабаларнинг таълим натижаларини йиғиш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштиришга имкон берадиган ўқув курслари ва материалларини яратиш учун Интернетда махсус воситалардан фойдаланиш.

6-тренд. Мобил технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим капсулаларини яратиш. Узоқдаги таълим субъектлари билан жонли мулоқот ўрнига барча маълумотлар кичик блокларга, билим қисмларига бўлинади, уларни тезкорлик билан (йўлда, транспортда, югуриш йўлакчасида) ўзлаштириш мумкин. Бунинг учун мураккаб материалларни қисқа, мантиқий жиҳатдан тўлиқ блоклар қаторига ажратиш керак.

7-тренд. Кенгайтирилган реал воқеавийликдан фойдаланган таълим. Таълим фойдаланувчи муҳитига мосла-

шади ва анча самаралироқ бўлади. Кенгайтирилган реаллик технологияларининг тарқалиши ўқув жараёнига сезиларли даражада таъсир қилади, аммо виртуал ҳақиқат ва унга кириш имконияти асосий «тезлаштирувчи» га айланади. Одамлар визуал ва эшитиш ҳисси орқали онлайн таълимни такомиллаштириши мумкин.

8-тренд. Таълимни геймификациялаш (ўйин сифатида ўрганиш). Визуализация ва интерактив иштирок этиш. Йиғилган баллар. Жамоа мусобақаси. Янги босқичга ўтиш. Ҳамма нарса компьютер ўйинларидаги каби, аммо ўқув материаллари билан йўғрилган ҳолатда амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 343-сон қарори. 2001 йил 16 август.

2. Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1875-сон қарори. 2012 йил 10 декабрь.

3. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 352-сон қарори. 2013 йил 31 декабрь.

Президент асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қўрамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

1. Angelopoulos B.G., Garyfallidou D.M., Ioannidis G.S. Streaming media in education // Proc International Conference ICL 2004: “Interactive Computer Aided Learning” / Auer M., Auer U. (eds.). – Kassel Univ. Pr., 2004.

2. Anita Wenden Learner Strategies in Language Learning. Prentice Hall, 1987.

3. Bijnens H., Bijnens M., Vanbuel M. Streaming media in the classroom. – Austria: EDUCATION HIGHWAY Innovation Centre, 2004. – 117 p.

4. Davis E. and Whitney N. Strategies for Reading. London Heinemann, 1981.

5. Duckenson L. Self-Instruction in Language Learning. Cambridge University Press, 1987.

6. Entwistle N.J. and Ramsden P. Understanding Student Learning. Beckenham. Croom Helm, 1983.

7. Fried-Booth D.L. Project Work. Oxford University Press, 1986.

8. Gairns R., Redman S. Working with Words. Cambridge University Press, 1986.

9. George S. Ioannidis, Despina M. Garyfallidou. Streaming Media in der Bildung und ihr Einfluss auf Lehre und Lernen “Best Practice” – Beispiele und erste Beobachtungen ihrer Implementierung. – Erscheinungsjahr: Linz, 2005. – 165 s.

10. Hallgarten K. and Rostworowska B. Learning for Autonomy Learner Training Materials for ESL. London, Independent Learning Project.

11. Harding-Esch E. Self-Directed Learning and Autonomy. Cambridge University Press, 1976.

12. Jones C. Wordstore. London. Wida Software, 1985.

13. Kunkel T. Streaming media: Technologies Standards Applications. – Wiley, 2003. – 236 p.

14. Абдуллаева Ш.А., Норимова Г. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш. – Т.: Нодирабегим, 2021. – 180 б.

15. Аминов М. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик. (Электрон манба) / tmethod.uz/wp-content/uploads/innovation-talim.

16. Арбузов С.С. Использование стрим-технологий при дистанционном обучении IT-дисциплинам // Педагогическое образование в России. – 2017. – № 6. – С. 6-12.

17. Арбузов С.С. Концептуальные подходы к применению технологии стрим-обучения в вузе // Информатизация образования: теория и практика: сб. материалов Междунар. науч.-практ. конф. – Омск, 2017. – С. 85-88.

18. Арбузов С.С. Реализация информационно-технологической модели подготовки будущих IT-специалистов в области инфокоммуникационных систем и сетей //

Педагогическое образование в России. – 2014. – № 8. – С. 85–89.

19. Арбузов С.С. Технологии подкастинга как средство активизации учебной деятельности студентов при обучении компьютерным сетям // Педагогическое образование в России. – 2015. – № 7. – С. 30-35.

СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НИМА?

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришни аниқлашга мўлжалланган мезонлар	7
Талабаларнинг инглиз тили машғулотида ўқув-билув фаоллигини ривожланганлик даражасини ўрганиш	19
Чет тиллари ўқитувчиларининг, хусусан инглиз тилини ўқитишда инновацион педагогик омилни қўллашини таъминлаш бўйича назарий ва амалий билим даражаларини белгиловчи анкеталар	23
Методлар	
“SWOT – таҳлил” методи.....	28
“Хулосалаш” (Rezyume, Veer) методи.....	31
“Keys-stadi” методи.....	35
“FSMU” методи.....	39
“BLITS – ўйин” методи.....	41
Стриминг технологиялари асосида маълумотларни саралаш	43
Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш босқичлари	66

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш босқичлари.....	78
Олий таълимда замонавий таълим тренди-стриминг технологиясининг илмий методик тавсифи сифатида.....	85
Стриминг технологиялари таълим тренди сифатида.....	90
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94

Илмий нашр

Норимова Гулжахон Абдуганиевна

СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НИМА?

Ўқув-методик қўлланма

Муҳаррир: Илҳом Йўлдошев
Мусаҳҳиҳа: Назокат Саъдуллаева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
оилавий корхонаси нашриёти
Манзил: Тошкент, Бешқайрағоч кўчаси, 156 уй.
Тел.: 99 847 12 12

Босишга рухсат этилди 06.09.2021
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи 9,0.
Шартли босма табоғи 9,25. Адади 200

«MUMTOZ SO‘Z»
оилавий корхонаси босмахонаси
Манзил: Тошкент, Бешқайрағоч кўчаси, 156 уй.
Тел.: 99 847 12 12